

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017 Fil. 02.03.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

КУЧКАРОВ ТУХТАМУРОД ОЛИМОВИЧ

**ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ ЭПИК СЮЖЕТЛАРНИНГ БАДИИЙ
ЭВОЛЮЦИЯСИ**

10.00. 02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Кучкаров Тухтамурод Олимович

Ёзма манбалардаги эпик сюжетларнинг бадий эволюцияси 5

Кучкаров Тухтамурод Олимович

Художественная эволюция эпических сюжетов в письменных памятниках.. 19

Kuchkarov Tuxtamurod Olimovich

Fictional evolution of the epic plot in written Literature 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 39

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017 Fil. 02.03.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

КУЧКАРОВ ТУХТАМУРОД ОЛИМОВИЧ

**ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ ЭПИК СЮЖЕТЛАРНИНГ БАДИИЙ
ЭВОЛЮЦИЯСИ**

10.00. 02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2 017.2.PhD/Fil130 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) веб-саҳифанинг (www.samdu.uz) ҳамда “Ziyonet” ахборот-таълим портали www/ziyonet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жўраев Маматқул

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Йўлдошев Бойназар

филология фанлари доктори

Ўраева Дармон Саидахмедовна

филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил ____ соат ____ да мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс; (8366) 239-11-40; e-mail; rektor@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган), (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (8366)239-11-40, 139-18-92; факс; (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил “____” _____ тарқатилди.
(2018 йил _____ даги “____” рақамли баённома).

Муҳиддинов М.Қ.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Пардаев А.Б.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Салоҳий Д.И.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё адабиётшунослигида қадимги ёзма манбалар орқали етиб келган эпик сюжетларнинг фольклор ва ёзма адабиётдаги бадий талқинларини қиёсий-типологик жиҳатдан таҳлил қилиш, архаик эпоснинг поэтик трансформацияси ва бадий тафаккур ривожидан тутган ўрнини кўрсатиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эпик анъана генезиси ва бадий эволюциясини тадқиқ этиш натижасида дунё халқларининг ўзига хос миллий руҳияти ва бадий-эстетик анъаналарини ўзида ифода этувчи қадимий сюжетлар адабий жараён тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатганлиги исботланди. Айниқса, ёзма ёдгорликлар орқали сақланиб қолган қадимги сюжетларининг талқинига оид илмий тадқиқотлар адабиётшуносликда палеонтологик йўналишнинг шаклланишига асос бўлди.

Жаҳон адабиётшунослигида анъанавий эпик сюжетларнинг муттасил ривожланиб, тараққий этиб келиши яхлит тарихий-адабий жараён эканлигини далиллашга қаратилган йирик тадқиқотлар ҳам яратилди. Бу эса ёзма манбалар орқали сақланиб қолган қадимги мифология ва архаик эпос сюжетларини фольклор ва ёзма адабиёт намуналари билан қиёсий таҳлил қилиш орқали антик давр адабий меросининг дунё халқлари бадий тафаккури тараққиётида тутган ўрнини ойдинлаштиришга асос бўлди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин бошланган маънавий тикланиш жараёни ўзбек адабиётининг қадимий ёдгорликлари, хусусан, сак ва массагетлар бадий ижодига оид манбаларни аниқлаш ҳамда қиёсий-тарихий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш эҳтиёжи юзага келди. Бундай қадимий қаҳрамонлик эпосларида акс этган ғоялар ёш авлодни буюк аждодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялашда муҳим амалий аҳамият касб этади. Зеро, мамлакатимизда «халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, муқаддас қадамжоларини обод қилиш, ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди ва изчил давом эттирилмоқда»¹. Шунинг учун ўзбек адабиётининг намуналари, хусусан, сак-массагет эпосининг ўзига хос хусусиятлари ва поэтик эволюциясини ўрганиш халқимиз бадий тафаккурининг шаклланиш тарихини ёритишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ – 4794-сонли Фармони, 2010 йил 26 февралдаги ПҚ-1292-сонли «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хузурида “Ижод” фондиди ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-27-28-сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // «Халқ сўзи» газетаси. – Тошкент, 2017 йил, 25 май.

ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-28-29-сонли «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги «ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг ДИТД-1 «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қадимги ёзма манбалардаги эпик сюжетлар ва мифологик образларнинг ёзма адабиётдаги талқинлари А.Ф.Лосев, А.И.Доватур, М.Грбарь-Пассек, Т.И.Кузнецова ва Т.А.Миллер, И.В.Шталь, Ж.Дюмезиль, А.А.Туаллагов, Л.А.Лелеков, Д.С.Раевский, А.А.Нейхард томонидан ўрганилган. Архаик сюжет ва эпик мотивларнинг палеонтологик таҳлили эса С.Ю.Неклюдов, С.Е.Никитина, В.М.Строгецкий, Д.С.Николаевнинг асарларида ёритилган.

Туркий фольклоршуносликда ҳам скиф мифологияси ва қадимги эпоснинг эпик анъана ривожидида тутган ўрнига доир илмий мулоҳазалар илгари сурилган. Адабиётшунос Ф.Бойназаров антик давр ёзма ёдгорликларида Марказий Осиё фольклорига, А.Абдурахмонов Алп Эр Тўнга (Афросиёб) шахсига оид эпик сюжетлар, афсона ва ривоятлар мавжудлигини аниқлашган. Шунингдек, сак-массагет эпосининг ўзбек дostonчилигига таъсири ва «Тўмарис» ривоятининг Хоразм воҳаси ўзбеклари фольклоридидаги излари тадқиқ этилган.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Жиззах давлат педагогика институтининг “Ўзбек адабиёти ва уни ўқитишнинг долзарб муаммолари” мавзусида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сак-массагет эпосининг ўзига хос хусусиятларини ойдинлаштириш, қадимги ёзма манбалар орқали етиб келган архаик сюжетларнинг генезиси, бадий эволюцияси ва ёзма адабиётдаги талқинларини ёритишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қадимги ёзма манбалардаги эпик сюжетларни палеонтологик таҳлил қилиш асосида сак-массагет эпосининг ўзига хос жанр хусусиятларини белгилаш;

ёзма манбаларда келтирилган оғзаки насрий асарлар сюжетининг эпик диффузияси ва бадий эволюциясини ўрганиш;

сак-массагет эпоси сюжетларининг ўзбек фольклоридидаги бадий

талқинларини қиёсий тадқиқ этиш;

«Тўмарис» ривояти сюжети талқинларининг ўзбек адабиётида тутган ўрнини кўрсатиб бериш;

Широқ образининг XX аср ўзбек адабиёти ва ҳозирги адабий жараёндаги ўзига хос бадиий ифодасини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Геродотнинг «Тарих», Страбоннинг «География», Полиэннинг «Ҳарбий хийлалар», Аррианнинг «Александрнинг юриши», Курций Руфнинг «Александр Македонский тарихи» асарларида келтирилган сак эпоси намуналари, ўзбек фольклори ва ёзма адабиёт материаллари асосий манба қилиб олинди.

Тадқиқотнинг предметини қадимги ёзма манбаларда келтирилган эпик сюжетлар, архаик эпос ва тарихий мавзудаги қиссалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик ва палеонтологик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: ўзбек адабиётшунослигида биринчи марта қадимги сак-массагет қабилалари бадиий ижодиётида дostonчилик анъаналари мавжуд бўлганлиги исботланган;

сак-массагет эпосининг жанрлар таркиби тарихий қўшиқлар, баҳодирлик ривоятлари, тарихий ҳамда қаҳрамонлик дostonларидан иборат бўлганлиги аниқланган;

қадимги юнон ёзма манбалар орқали етиб келган эпик сюжетлар билан «Гўрўғли» туркумига мансуб асарлар ҳамда «Ойсулув» дostonи сюжети ўртасида тарихий-ворисий алоқадорлик мавжудлиги асосланган;

сак-массагет қаҳрамонлик эпосидаги Тўмарис ривояти сюжетининг бадиий эволюцияси «реал ҳаётий воқелик → оғзаки ҳикоя → тарихий ривоят → қаҳрамонлик эпоси → тарихий қисса (шеър, дoston, драма)» босқичларидан иборатлиги кўрсатиб берилган;

Широқ ҳақидаги тарихий ривоятлар сюжетининг ўзбек адабиётидаги ўзига хос талқинлари миллий ўзликни англаш жараёнининг бадиий ифодаси сифатида юзага келганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

қадимги юнон ёзма манбалари Ўрта Осиё ҳудудида истиқомат қилган аждодларимизнинг турмуш тарзи, урф-одат ва маросимлари, бадиий ижоди ва санъатига оид ғоят нодир манбаларни ўзида ифодалаганлиги аниқланган;

скиф қабилалари ҳақидаги генеологик афсоналар, «Тўмарис» ва «Широқ» ривоятлари ва бошқа сюжетларнинг палеонтологик таҳлили асосида сак-массагет қабилаларида эпик анъана мавжуд бўлганлиги аниқланган ҳамда уларнинг эпоси тарихий қўшиқ ва ривоятлар ҳамда қаҳрамонлик дostonларидан иборат бўлганлиги таснифланган;

сак-массагет эпоси сюжетлари икки йўл билан, яъни ёзма манбаларга киритилган ҳикоялар ҳамда жонли оғзаки ижро орқали тилдан-тилга ўтиб келган тарихий ривоят ва дostonлар тарзида сақланганлиги асосланган;

сак-массагет эпосининг сюжетлари туркий халқлар фольклоридаги

«Гўрўғли» туркумига мансуб айрим дostonларнинг муайян мотивлари ҳамда сюжет ўзакларининг шаклланишига асос бўлганлиги кўрсатиб берилган;

«Тўмарис» ва «Широқ» ривоятлари сюжетининг фольклор ва ёзма адабиётдаги бадиий талқинлари қадимги сак-массагет эпоси билан ўзбек халқи бадиий тафаккури ўртасидаги тарихий-ворисий алоқадорлик мавжудлигини кўрсатиши исботланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги ёзма манбалардаги эпик сюжетлар қиёсий тавсифланганлиги, уларнинг тадрижий ривожи, ўзбек фольклори ва ёзма адабиётидаги ўзига хос талқинлари бевосита бирламчи манбалар асосида аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур диссертация ишининг илмий-назарий аҳамияти эпик жанрларнинг тарихий-генетик асослари ва бадиий эволюциясини тадқиқ этиш тамойилларини такомиллаштирганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан бадиий тафаккурнинг тарихий асосларини аниқлашга доир фундаментал асарлар яратишда кенг қўламда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг материаллари ва хулосаларидан ўзбек адабиёти, халқ оғзаки ижоди ва манбашунослик фанлари бўйича маърузалар ўқишда, дарслик, ўқув қўлланмалари ва мажмуалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олинган илмий натижалар куйидаги ишларда жорийланган:

Қадимги туркийларнинг архаик эпоси асосида шаклланган эпик сюжетларнинг ўрта аср ёзма манбаларидаги талқинлари таҳлиliga доир қарашлар Навоий давлат педагогика институтида бажарилган Ф1-ХТ-0-19919 «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётидаги ўрни» номли фундаментал илмий лойиҳанинг қадимги давр фольклори ва мифологик тасавурларни акс эттирган эпик сюжетлар тадқиқига доир қисмини бажаришда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 июндаги 89-03-2182-сон маълумотномаси). Натижада туркий халқлар бадиий тафаккури такомилда муҳим ўрин тутган миф ва мифологик сюжетларнинг ўзига хос хусусиятлари ойдинлаштирилган;

Бухоро давлат университетиди 2012-2016 йилларда бажарилган Ф-1-06 “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” мавзусидаги лойиҳада истиқлол даври адабиётида яратилган бадиий асарларда эпик образ ва мотивларга мурожаат масаласини ўрганганда мазкур диссертацияда баён этилган давр шоир ва ёзувчилари томонидан Тўмарис ва Широқ ривоятларининг қайта бадиий ишланиши, улар номи билан боғлиқ эпик сюжетнинг поэтик тараққиёти муаммолари ечимига алоқадор маълумотлар фольклорнинг ёзма адабиётга таъсирини, уларнинг давр адабиётидаги алоқаси бардавомлигини асослашга фактик маълумот бера олган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 июндаги 89-03-2182-сон маълумотномаси). Натижада Геродот ва Полиэн асарлари орқали етиб келган Тўмарис ва Широқ ривоятлари Шарқу Ғарб анъаналари тарихини асослаш бўйича хулосалар чиқариш имконини берган;

ёзма адабиётдаги эпик сюжет бадиий эволюцияси «Жиззах вилоят

телерадиокомпанияси» телеканалидаги «Қадрият» кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Жиззах вилоят телерадиокомпаниясининг 2017 йил 11 сентябрдаги 02-08/49-сонли маълумотномаси). Натижада телетомошабинлар ёзма адабиётдаги эпик сюжет ҳақида янги маълумотларга эга бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 2 та хорижий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Мавзу бўйича 14 та илмий иш нашр этилган, шулардан монография, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ҳажми 158 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, натижаларнинг жорийланиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сак-массагет эпоси ва унинг ўзига хос хусусиятлари**» номли биринчи бобининг илк фасли «**Сак-массагет эпосининг жанрий таркиби ва етакчи хоссалари**», иккинчи фасли эса «**Қадимги юнон ёзма манбалари ва эпик сюжетлар генезиси**» деб аталган.

Адабиётшуносликда қадимги скиф қабилалари, шу жумладан, сак ва массагетларнинг эпоси мавжуд бўлганми, деган масала анча пайтдан бери турли мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. В.И.Абаевнинг фикрича, «Геродот ва бошқа муаллифлар бизга шу қадар кўп эпос парчалари ва сюжетларнинг рудиментларини қолдиришганки, замонлар ўтиши билан бу манбаларда келтирилган фактларнинг моҳияти қанчалик хиралашган бўлмасин, эпик ижод сарчашмаси скифлар диёрида бўлганлигидан далолат бериб туради». Скифлар маданияти, мифологияси ва тилининг тадқиқотчилари Г.М.Бонгар-Левин ва Э.А.Грандтовскийнинг ёзишича эса, «шубҳасиз, скифлар жуда бой халқ ижоди анъаналарига эга бўлишган, уларнинг ўзига хос турмуш тарзини акс эттирувчи турли-туман эпик асарлар ғоят кенг тарқалганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Гарчи қадимги скиф эпоси бизгача сақланиб қолмаган бўлса-да, унинг изларини аниқлашга қаратилган изланишлар истиқболли тадқиқотлар сирасига киради». Қадимги скиф мифологияси ва фольклор анъаналарини археологик топилмаларда ўз ифодасини топган сюжетлар асосида тадқиқ этган Б.Н.Граков, М.И.Артамонов тадқиқотлари

хам сак ва массагет эпоси мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Х.Зарифовнинг фикрича, “Ўзбек халқ оғзаки ижодида шак ва массагет эпоси, уларнинг қаҳрамонона жасоратлари мадҳ этилган кўхна дostonларининг қолдиқ ҳолда етиб келган рудиментлари сақланган”. Дарҳақиқат, ўзбек халқ эпоси тараққиётининг илк даври “сак эпоси” деб бўлиб, бу давр милoddан аввалги VIII – милodий V асрларни қамраб олади. Милетлик Гекатей (милoddан бурунги VI аср), Страбон ва Геродот (милoddан бурунги V аср) каби муаллифлар сак ва массагетларни Оролбўйи минтақасининг асосий аҳолиси деб эътироф этишган. Бу қабилалар бирлашмаси Шарқий Туркистондан Кавказорти минтақасигача бўлган худудда яшаган сармат, алан, ас, даха, апасиаг, тохар, хоразмий (Страбоннинг келтиришича, атасия ва хоразмийлар ҳам массагетлардандир), аугаси, дербик, ассиан (яъни усун) каби кўпгина уруғ ва қабилаларни ўз ичига олган. Қадимги юнон ёзма манбалари, хусусан, Геродот, Полиэн, Ктесий ва бошқа муаррихларнинг асарларида нақл қилинган кўпгина афсона ва ривоятлар аслида сак ва массагет қабилаларининг эпоси қолдиқлари ҳисобланади. Ўша давр ижтимоий-иқтисодий формациясининг характери ва эпик ижодиётнинг юзага келиш ва тараққиёт қонуниятларига кўра уларнинг илк қаҳрамонлик кўшиқлари ҳамда дostonлари архаик эпос даражасида бўлган. Сак ва массагетлар истиқомат қилган худуд бир минтақада жойлашганлиги сабабли уларнинг эпик аънаналари ҳам бевосита ўзаро таъсир ва ижодий алоқалар фонида ривожланган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, диссертацияда ўзбек халқ қаҳрамонлик дostonларининг тарихий тараққиёти босқичларини таснифлаш ва даврлаштиришдаги илк қатламни “сак-массагет архаик эпоси” деб белгилаш таклифи илгари сурилди. Сак-массагет эпосининг жанрлар таркиби асосан тарихий-қаҳрамонлик кўшиқлари, тарихий ривоятлар, тарихий ва қаҳрамонлик дostonларидан иборат бўлган.

Ўрта Осиёда яшаган қадимги аждодларимиз эпик ижодиётининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда ёзма манбалар орқали етиб келган адабий парчалар муҳим аҳамият касб этади. Геродотнинг “Тарих”и, Полиэннинг “Ҳарбий ҳийлалар”, сицилиялик Диодорнинг “Тарихий кутубхона”, Флавий Аррианнинг “Александрнинг юриши”, Курций Руфнинг “Александр Македонский тарихи”, Страбоннинг “География”, Клавдий Эллианнинг “Ажойиб ҳикоялар”, Помпей Трон ва Юстиннинг “Тарихий кундалиқлар” каби асарларида қадимги давр эпоси, хусусан, қадимги сак ва массагетлар бадий ижодига оид кўплаб сюжетлар сақланиб қолган. Геродотнинг «Тарих» асарида скифларнинг қадимги аждодлари, Доронинг скифлар диёрига хужуми, тоғдаги олтинларни кўриқловчи грифонлар ва бир кўзли мавжудотлар ҳақидаги афсоналар, шунингдек, «мифологик характердаги ҳикоялар» учрайди. Геродот ҳамда византиялик Фауст томонидан нақл қилинган “кўр қулнинг боласи” ҳақидаги ривоят қачонлардир скиф эпосида мавжуд бўлган муайян архаик сюжетнинг парчасидир. Француз олими Ж.Дюмезиль мазкур қадимий ривоят билан туркий халқлар орасида кенг

тарқалган “Гўрўғли” (“Кўрўғли”) достони сюжети ўртасида муайян алоқадорлик бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги гипотезани ўртага ташлаб, “византиялик Фауст ўз асарини ёзишда аслида кўр шоҳнинг ўғли бўлган хукмдорнинг қаҳрамонликлари ва эҳтиётсизлик туфайли ҳалокатга маҳкум этилиши тўғрисидаги халқ эпоси намуналаридан фойдаланганлигини қайд қилган эди. Дарҳақиқат, ўзбек халқ бахшилари репертуаридаги “Гўрўғлининг туғилиши” достони билан Геродотнинг “Тарих” китобида келтирилган “кўр куллар” ҳақидаги ривоят сюжети бир неча нуқталарда ўзаро уйғунлик касб этади. Геродот талқинича, кўзи кўр қилинган кишилар куллардир; “Гўрўғлининг туғилиши” достонида ҳам Хунхоршоҳ амрига кўра қаҳрамоннинг отаси Равшанбек кул бозорида сотилади; Геродот ривоятида кўр кулларнинг меҳнат фаолияти бия сутини аралаштириб чайқатишдан иборат (яъни от детали билан боғлиқ)дир. “Гўрўғлининг туғилиши” достонининг барча вариантларида Равшанбек “суягидан тулпор наслини аниқлай оладиган” билгич синчи сифатида тасвирланган. Ана шуларнинг барчаси, қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг “Тарих” асарида келтирилган “кўр куллар” ҳақидаги ривоят билан “Гўрўғлининг туғилиши” достонидаги Равшанбекнинг кўзларидан жудо бўлиши воқеалари тасвирланган эпик сюжет ўзаро муштарак негизга боғланишидан далолат беради.

Қадимги сак-массагет эпосига алоқадор эпик сюжетларнинг тарихий-фольклорий жараён давомидаги бадий эволюцияси натижасида ўзбек фольклорида сақланиб қолган мавзуларидан яна бири яққакўз ёки бир кўзли мифологик мавжудот образи билан боғлиқ сюжетдир. Ўзбек фольклоридаги «Якка кўз», «Дороп кўз» афсоналари ҳамда “Кал осиебон ва тулки” эртагида бир кўзли мифологик персонаж – циклоп образи ўзбек мифологиясининг қадимий образларидан бири эканлигини кўрсатади. Марказий Осиё туркий халқлари, шу жумладан, ўзбек фольклоридаги бир кўзли мавжудот образининг тарихий илдизлари қадимги аждодларимиз – сак-массагетларнинг мифологияси билан боғланади. Геродот “Тарих”ининг IV-китобида “бир кўзли одамлар ва скифлар тилласини кўриқловчи грифлар” ҳақида исседонлар ҳикояси келтирилади. Бу ҳикояни скифлар ҳам нақл қиладилар. Скифларнинг ҳикоялари орқали аримасплар нега скиф тилида шу ном билан аталганлигининг сабаби очилади, яъни скифлар тилида “арима” сўзи “бир” маъносини билдириши, “оспа” эса уларнинг лаҳжасида “кўз” экани ойдинлашади. “Аримасп” сўзининг этимологияси хусусида тўхталган М.З.Закиевнинг ёзишича, “арима” сўзи скифлар тилида “бир” маъносини билдирган бўлиб, “спу” эса “кўз” демакдир. Агар “бир кўзли” деганда кўзининг биттаси юмуқ ёки қисик кишилар назарда тутилган, деб ҳисобласак, у ҳолда “арима” лексемасини туркий тилларда “ярим” сўзининг қадимий шакли, деб тахмин қилиш мумкин бўлади”.

Мутахассслар қадимги юнон манбаларида аримасплар юрти билан боғлиқ Рипей топоними остида ҳозирги Олтой тоғлари назарда тутилган, деб ҳисоблайдилар. Бу эса, биринчидан, “бир кўзли мавжудотлар” ҳақидаги мифологик тасаввурлар Тоғли Олтойдан Оролбўйигача бўлган улкан ҳудудда

яшаган қадимги скиф қабилалари фольклорида юзага келганлигига ёрқин далил бўла олади; иккинчидан, бир кўзли фантастик мавжудот образи этник келиб чиқиши сарматлар билан боғлиқ осетин мифологиясида учраши, шунингдек, сак ва массагет қабилаларининг бугунги авлодлари ҳисобланган Ўрта Осиё туркий халқлари мифологиясида бир кўзли дев, якчашма, Дороқўз ва бошқа мифик персонажларнинг тасвирланиши қадимги скиф қабилалари ўртасидаги ўзаро яқин маданий алоқалар мавжуд бўлганлигини билдиради. Геродотнинг “Исседонлар айтиб берган ана шу ҳикояни скифлар ҳам нақл қиладилар” деб ёзишига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, аримасплар тўғрисидаги мифлар Ўрта Осиёга, яъни сак-массагетлари эпосига Олтой тоғлари этаклари ва ҳозирги шимолий Қозоғистон даштлари худудида яшаган қадимги этнослар фольклоридан ўтган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Диссертацияда “аримасплар”, яъни “бир кўзли одамлар” тўғрисидаги қадимий мифологик тасаввурлар Ўрта Осиё туркий халқлари, шу жумладан, ўзбек фольклорига уларнинг қадимги аجدодлари – сак-массагет қабилалари эпик ижодининг эволюцияси натижасида ўтган, деб хулоса чиқарилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Тўмарис**» ривояти ва «**Ойсулув**» достони вариантларининг қиёсий таҳлили» деб номланган бўлиб, унинг биринчи фасли «**Тўмарис**» ривояти ва унинг эпик талқинлари»ни ўрганишга бағишланган.

Сак-массагет архаик эпосининг реликтлари Ўрта Осиё халқларининг фольклор аънаналари, хусусан, ўзбек, қорақалпоқ ва туркман халқлари эпик ижодиётига катта таъсир кўрсатган. Ана шундай қадимий фольклор асарларидан бири «Тўмарис» ривояти бўлиб, унинг мазмуни Геродотнинг «Тарих» асарида ҳикоя қилинган. Аждодларимизнинг эл-юрт озодлиги ва ватан дахлсизлиги йўлида олиб борган мардонавор кураши акс эттирилган «Тўмарис» ривояти реал воқеа-ҳодисаларнинг эпик талқини натижасида юзага келган. Унда тасвирланган эпик воқеликнинг марказида она диёрининг мустақиллигини ҳар нарсадан, ҳатто ўзининг жонидан ҳам устун кўрадиган мард, танти ва айни пайтда ғоятда жасур алп аёл Тўмарис образи туради. Ўз юртини душмандан мардларча ҳимоя қилган Тўмариснинг мислсиз жасорати ҳақида дастлаб тарихий қўшиқлар ва ривоятлар юзага келган. Бундай асарларда эл-юрт халоскори ва ҳимоячиси Тўмариснинг мардлиги, баҳодирлиги ва ватанпарварлигини тараннум этилган.

Тўмарис (Томир, Тмар, Томирис, Тамирамида) образи сицилиялик Диодор, Полиэн, Страбон, Элиан каби муаллифларнинг асарларида ҳам учраши сак-массагет эпосининг сюжети анча кенг тарқалганлигидан далолат беради.

Сак-массагет эпосидаги «Тўмарис» ривоятининг сюжети (ёки унинг муайян мотивлари) нафақат қадимги ёзма манбалар, балки Ўрта Осиё халқларининг бевосита жонли эпик ижодиёти орқали ҳам етиб келган. Тарихий-генетик асослари Тўмарис ҳақидаги қадимий сюжетга алоқадор эпик асарлар сирасига «Қирқ қиз», «Етти қиз» ва «Тўрабекхоним» ривоятларини киритиш мумкин. Л.С.Толстова тўғри қайд этганидек,

Тўрабекхоним тўғрисидаги ўзбек халқ ривоятда массагет-алан эпик субсратининг Оролбўйи минтақаси халқлари эпосидаги излари мавжуд. Тўмарис сак-массагет эпосида массагетлар маликаси деб таърифлангани сингари Тўрабекхоним ҳам Хоразм султонининг қизи. Эрон шоҳи Кир ҳийла йўли билан Тўмариснинг юртини қўлга киритишни режалаштиргани каби Тўрабекхонимнинг хуснда тенгсизлигидан хабар топган Мари хукмдори Султон Санжар ҳам унга совчи қўяди.

Сак-массагет эпосининг Геродот нақли орқали етиб келган намунасида айтилишича, Тўмарис ўз лашкарини мамлакатнинг уч кунлик ичкарасига олиб кириб кетгач, Кир қўшинини Аракс дарёсидан ўтказиб, массагетлар тупроғига қадам қўяди. «Аракс» атамаси Амударёнинг қадимий номи эканлигига асослансак, ҳар икки ривоятда ҳам гап битта дарё ҳақида бораётганлиги маълум бўлади. Золим Кирнинг совчи сифатида юборган элчиларидан Эрон шоҳининг ғаразли мақсадини англаган Тўмарис ватанининг дахлсизлиги учун жангга тайёр эканлигини маълум қилади. “Тўрабекхоним ва Султон Санжар” ривоятда ҳам Султон Санжарнинг дўқ-пўписаларидан қўрқмаган қиз уни майдонга чорлайди.

Сак-массагет эпосининг қаҳрамони Тўмарис хаёлий-эпик образ бўлмасдан, балки ўша даврда массагетларни бошқарган реал хукмдор исмидир. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Тўрабекхоним ҳам XIV асрда яшаган реал тарихий шахс бўлиб, Олтин Ўрда хукмдори Қутлуғ Темурнинг хотини бўлган. Ана шу хукмдорнинг ёрликларида Тўрабекхоним “буюк малика” деб улуғланган. Хоразм воҳасида кўпгина ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга оширган Тўрабекхоним бир қанча тарихий обидалар, жумладан, Урганч шаҳрида хонақо қурдирган. Шунинг учун ҳам воҳа аҳолисининг фольклорида Тўрабекхоним образи халқнинг фаровонлиги, озодлиги ва хотиржамлиги учун курашувчи фидойи аёл сифатида тасвирланган. Бу образнинг шаклланишида қадимги Оролбўйи минтақаси, хусусан, Хоразм воҳаси ҳудудида истиқомат қилган массагетлар фольклоридаги Тўмарис образига хос хусусиятларнинг халқ эпик хотирасида сақланиб қолган рудиментлари муҳим роль ўйнаган.

Иккинчи бобнинг «**Ойсулув» достони сюжетининг генезиси ва унинг вариантлари**» деб номланган навбатдаги фаслида Тўмарис тўғрисидаги эпик сюжетнинг ўзбек фольклоридаги ўзига хос талқини ҳисобланган “Ойсулув” достони қиёсий таҳлилга тортилган. Қадимги сак-массагет эпосининг бадий эволюцияси натижасида юзага келган бу дoston Кўрғон дostonчилиқ мактаби эпик анъанасида қайд этилган. Уни чечан дostonчи Тилла кампир ёшлиқ пайтида “қўшиқ қилиб”, яъни дoston сифатида ижро этган, аммо ёши ўтгач, қарилиги туфайли дoston тарзида куйлашга кучи етмай, “эртак қилиб” айтган. Эргаш шоирдан ёзиб олинган намуна ҳам дostonнинг насрий баёни тарзидадир. Дostonнинг жанрий хусусиятлари ҳақида фикр юритган В.М.Жирмунский ва Ҳ.Зарифов “ушбу дoston ўзининг ҳозирги ҳолатида қаҳрамонлик-романик жанрга яқин келади” деб ҳисоблашган. Фольклоршунос М.Қўшмоқов ҳам “Ойсулув”ни қаҳрамонлик-романик

достон деб таснифлайди. Т.Мирзаев ва Б.Саримсоқовларнинг фикрича эса “Ойсулув” достони “тарихий-қаҳрамонлик достонларининг энг яхши намуналаридан биридир. Чунки унинг мазмуни қаҳрамонлик характериға эға бўлиши, бир қатор ўринларда узоқ кечмишда рўй берган конкрет воқеа ва ходисаларға мос келиши шундай хулоса чиқаришға имкон беради”. Достонда тасвирланган асосий воқеа-ходисалар замирида эпик қаҳрамоннинг эл-юртни ташқи босқинчи душманлар хуружидан ҳимоя қилиш йўлида кўрсатган мислсиз жасорати тасвирланганлиги, Ойсулув тимсолида эса жангу жадалларда эркаклар билан баб-баравар иштирок этган алп хотин-қизлар образи ўз ифодасини топганлиги, унинг ўғли Кунботир ҳам ўзида куч-қудратға тўла алп, эл-юртни ҳимоя қилувчи ботир хусусиятларини акс эттириши бу асарда қаҳрамонлик эпосиға хос белгилар мавжудлигини кўрсатади. Шу билан бир қаторда, достонда тасвирланган воқеалар замирида аждодларимизнинг Ўрта Осиёға бостириб келган Эрон ҳукмдори Кирга қарши олиб борган кураши ва ана шу ҳаёт-мамот жангида массагетлар маликаси Тўмарис ва унинг ўғли Спарганиснинг кўрсатган мислсиз жасорати ҳақидаги тарихий ривоят талқинлари билан уйғунлашиб кетадики, бу ҳол “Ойсулув” достони сюжетиға асос бўлган воқелик реал ҳаётий-тарихий асосға эға эканлигидан далолат беради. Ойсулув ва Тўмарис образлари эса тарихий-қаҳрамонлик эпоси персонажларига хос эпик талқини, чуқур ижтимоий моҳият касб этиши ҳамда бадий ифодасиға кўра ўзаро муштараклик касб этади.

Тадқиқот натижасида Кўрғон достончилиқ мактаби эпик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган Тилла кампирнинг ижроси орқали XVIII-XIX асрларда кенг оммалашган “Ойсулув” достони массагетлар маликаси Тўмарис тўғрисидаги қадимги ривоят сюжетининг эпик ривожи ва бадий эволюцияси натижасида шаклланганлиги асосланган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Тарихий ривоятлар сюжетининг бадий эволюцияси**» деб аталган бўлиб, унинг «**Ўзбек адабиётида Тўмарис образи**» номли илк фаслида сак-массагет эпоси сюжетларининг XX аср ўзбек адабиёти ва замонавий адабий жараёндаги бадий талқинлари таҳлилға тортилган.

Тўмариснинг эрк ва озодлик йўлида олиб борган мардонавор кураши ҳақида ҳикоя қилувчи қадимий эпик сюжет туркий халқлар адабиётида шу мавзудаги турли жанрларға мансуб асарларнинг юзаға келишиға асос бўлди. Рус тилида ижод қилувчи бошқирд адиби Ёвдат Илёсовнинг “Олачипор ажал” номли тарихий романи, қорақалпоқ шоири И.Юсуповнинг “Тўмарис” достони, Саригул Баҳодированинг “Тўмарис” қиссаси яратилди. Ўзбек адабиётида ҳам Тўмарис ҳақидаги қадимий ривоят сюжети асосида асарлар яратиш анъанаси юзаға келди. Шухратнинг 1959 йилда маснавий усулида яратилган “Мардлик афсонаси” достони, Хуршид Давроннинг “Массагетлар маликаси ва форслар подшоҳи” қиссаси, Азим Суюннинг “О, Турон ерлари” шеъри, Шарифа Салимованинг “Тўмарис” достони шулар жумласидандир.

“Тўмарис” ривояти сюжетининг ўзбек насридаги энг муваффақиятли

бадий талқинларидан бири Миркарим Осимнинг “Тўмарис” қиссасидир. Ватанга садоқат ва она диёрга муҳаббатнинг буюк тимсолига айланган бу тарихий шахс жасорати ҳақидаги қадимий сюжетнинг ўзига хос интерпретацияси ҳисобланган бу қиссада Геродот нақл қилган тарихий ривоят сюжети асосан сақланганлигини кўрамиз. Қиссада ҳаёт ҳақиқати ва бадий тўқима уйғунлашиб кетган. Образлар характери очишда психологик параллелизм ва қаршилантириш усулидан ўринли фойдаланилган.

Учинчи бобнинг «**Широқ» ривоятининг ўзбек қиссаларидаги бадий талқини**» номли навбатдаги фасли “Широқ” ривояти сюжетининг ўзбек адабиётидаги ўзига хос талқинлари таҳлиliga бағишланган.

Маълумки, Полиэннинг “Ҳарбий ҳийлалар” асари орқали сақланиб қолган қадимий сак эпоси намунаси – “Широқ” (ёки “Сирак”) ривояти моҳиятига кўра қаҳрамонлик характериға эға. Сюжет қурилиши “конфликт” (сакларнинг душман қуршовида қолиши ва уруғ сардорларининг маслаҳатға йиғилиши) ва “ечим” (Широқнинг душман қўшинини алдов йўли билан чўлга олиб чиқиб, мағлуб қилиши) қисмларидан иборат бўлган бу ривоят саклар ҳаётида рўй берган реал тарихий воқелик асосида юзага келган. Чунки тарихий манбаларда баён этилишича, Туронға бостириб кирган Доро лашкари саклар, сўғдийлар ва массагетларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келган. Улар маҳаллий аҳолининг кучли иродаси ва жасоратини синдира олмай, ортға чекинишға мажбур бўлишган.

Тадқиқот давомида Широқ аслида этноним асосида шаклланган атоқли от бўлиб, сирак//ширақ қадимги сак-массагет қабилалари бирлашмаси таркибига кирган уруғлардан бирининг номи бўлганлиги аниқланган. Сирақлар Орол денгизидан Кавказ тоғлари этақларигача бўлган ҳудудда яшаганлар. Бу уруғ номи милоддан бурунги I асрларға мансуб ёзма манбаларда ҳам қайд этилган. Бинобарин, сирақ уруғи сак қабиласи таркибига ҳам кирган. Сак қабилалари (шу жумладан, сирақлар ҳам) эса ўзбек халқининг қадимий аجدодлари сирасига кирганлиги учун ўзбек этнонимлари орасида “сийроқ” атамаси сақланиб қолган. Сурхон воҳасидаги кўнғиротларнинг тортувчи шаҳобчаси ичида сийроқ уруғи ҳам мавжуд бўлган. Сирақларнинг жасорати ва қаҳрамонликлари тасвирланган “Широқ” (ёки “Сирак”) ривояти қадимги сак-массагет эпосининг архаик қатламиға мансуб эпик сюжетлар қаториға киради.

Широқ жасорати тасвирланган қадимий ривоят ўзбек адабиётида мардлик ва ватанпарварлик ғоясини ўзида ифодалаган бир нечта асарларнинг яратилишиға асос бўлди. “Широқ” номида Мирмуҳсин, Усмон Қўчқор дoston, Миркарим Осим ҳамда Алишер Саъдулла эса қисса яратишди.

А.Саъдулла қиссаси композицион қурилиши, сюжет тузилишиға асос қилиб воқеаларни кенг кўламда тасвирлаганлиги, тарихий ҳақиқатни бадий акс эттириш усули, бадий тили ва услубиға кўра Миркарим Осим қиссасидан бирмунча фарқ қилади. Милоддан бурунги VI асрда Турон юртини истило қилиш ниятида юриш қилган Доро I қўшинини тор-мор қилган Широқнинг жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу асар композицион

жиҳатдан ўзига хос тузилишга эга: у бир-бирига мантиқан боғланган ўн беш қисмдан таркиб топган. Асар мифологик тимсол – Улуғ бобо тилидан нақл қилинган ривоят билан бошланадики, қадимги сак уруғи учун мўътабар ҳисобланган Яшиқ тенгриси (Қуёш), ер-сув, Қалиқ (осмон), Тенгри, Яллиғмомо (ой), юлдузлар, тоғларнинг яратилиши тўғрисидаги асотирий қарашларни акс эттирган бу ривоят ўзига хос эпилонг вазифасини ўтаган. Қиссанинг образлар силсиласи ҳам ғоят бой бўлиб, унда Широқ, Доро, Раносбат сингари тарихий шахслар образи билан бир қаторда Зўроз, Тўнга, Сакпар, Ўмир, Ўнгтой, Шаккут, Очиқ, Каммар, Куврут каби тўқима персонажлар маҳорат билан тасвирланган.

Хуллас, оддий чўпон Широқнинг асрлар бўйи тилдан тушмай келаётган жасорати тўғрисидаги тарихий ривоят асосида яратилган асарлар жанри, ҳажми жиҳатидан ўзаро фарқ қилса-да, моҳият-эътиборига кўра эпик сюжет эволюцияси, ўзбек тарихий шеърини ва насри ривожланиш тамойилларини акс эттирганлиги билан муштараклик касб этади.

ХУЛОСА

1. Ўзбек адабиёти эпик жанрларининг шаклланиш тарихи ва тадрижий ривожини қонуниятларини аниқлашда аجدодларимиз томонидан яратилган оғзаки бадиий ижод намуналари, қадимги давр эпоси, яъни архаик ривоят ва афсоналарни тадқиқ этиш муҳим илмий аҳамият касб этади. Бинобарин, муайян этнос бадиий ижоди анъаналарининг энг қадимий намуналарини “палеофольклор” термини билан ифодалаш мақсадга мувофиқдир. Халқ ижодининг жонли ижро ҳолатида етиб келган намуналарини аниқлаш, эпик сюжетлар тизимининг генетик илдизлари ва ривожланиш жараёнига хос хусусиятларни ёритиш, тарихий-фольклорий жараён ривожини натижасида жонли оғзаки ижро анъанасидан тушиб қолган ёки унутилиб кетган архаик сюжетларни реконструкция қилиш “палеонтологик метод” асосида амалга оширилади.

2. Ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг энг қадимги намуналари, яъни палеофольклорни аниқлаш, илмий тадқиқ этишда қадимги ёзма ёдгорликларда келтирилган адабий материаллар, археологик топилмалар, қоятош суратларида акс этган мифологик образлар ва сюжетлар, фольклор ва маросимларда сақланиб қолган инонч-эътиқодлар асосий манба вазифасини ўтайди. Қадимги давр эпосига оид материаллар мавжуд бўлган ёзма ёдгорликлар сирасига Геродотнинг “Тарих”, Полиэннинг “Ҳарбий ҳийлалар”, сицилиялик Диодорнинг “Тарихий кутубхона”, Флавий Аррианнинг “Александрнинг юриши”, Курций Руфнинг “Александр Македонский тарихи”, Страбоннинг “География”, Клавдий Эллианнинг “Ажойиб ҳикоялар”, Помпей Трон ва Юстиннинг “Тарихий кундаликлари” каби асарлари, шунингдек, Ўрта Осиё халқлари тарихи, маданияти, тили ва урф-одатлари ҳақида маълумот берган қадимги хитой ёзма ёдгорликлари киради.

3. Ўзбек адабиёти эпик сюжетларининг архаик қатламини қадимда

Тоғли Олтойдан Кавказортигача бўлган улкан ҳудудда, шу жумладан, мамлакатимизнинг Зарафшон воҳаси, ҳозирги Тошкент вилояти ҳамда Фарғона водийсида истиқомат қилган сак ва массагет қабилалари эпоси ташкил этади. Жўғрофий жиҳатдан бундай улкан ҳудудда яшаган сак-массагет қабилалари номоддий маданиятининг умумий жиҳати уларда ўзига хос мифологик тасаввурлар тизими мавжуд бўлганлиги билан белгиланади. Улар ҳозирги замон фанида “ҳайвон услуби” деб ном олган мифопоэтик тасвирий санъат усули ҳамда қаҳрамонлик, мардлик ва жасоратни куйловчи йирик эпик асарларни яратишган.

4. Мамлакатимиз ҳудудида асрлар мобайнида изчил давом этган эпик анъананинг энг қадимий қатлами сак-массагет архаик эпоси бўлиб, тарихий-қаҳрамонлик кўшиқлари, тарихий афсона ва ривоятлар, тарихий, қаҳрамонлик ва жангнома типигадаги халқ дostonларини ўз ичига олган. Геродотнинг “Тарих” китобида келтирилган “Скифларнинг дунёга келиши”, “Тераклнинг ўз отини излаши”, “Тўмарис”, “кўр куллар”, “саклар қозони” каби кўплаб сак-массагет эпосининг қолдиқ ҳолдаги намуналари, Полиэннинг “Ҳарбий ҳийлалар” китобидаги “Широқ” ривояти, антик давр ёзма манбаларидан ўрин олган “Заринея ва Странгей”, “Аморг ва Спаретта”, “Зариандр ва Одатида” каби қадимий романик эпос намуналарининг қиёсий-тарихий таҳлили шуни кўрсатадики, қаҳрамонлик-жангнома ва ишқ-муҳаббат мавзусидаги асарларни ўз ичига олган сак-массагет архаик эпоси ҳар томонлама ривожланган ўзбек халқ дostonчилиги анъаналари ва ёзма адабиётдаги тарихий насрнинг юзага келишига асос бўлган.

5. Сак ва массагет эпик куйчиларининг репертуари шаклланиши ва қаҳрамонлик мазмунидаги асарлар кўп ижро этилиши ўша давр ижтимоий-сиёсий муҳитининг ўзига хос табиати билан боғлиқ анъана ҳисобланган. Ўша даврда яшаган уруғ-қабилаларнинг этномаданий консолидацияси тобора кучайиб бориши халқ ижодида ватан озодлиги ва эркини ҳимоя қилиш мақсадида ўзаро бирлашиш ғоясининг устуворлик қилишига олиб келган.

6. Сак-массагет халқ поэзияси ва тарихий эпосида босқинчи душманларга қарши олиб борилган мардонавор кураш воқеалари ҳамда юрт дахлсизлиги учун бўлган жангларда алоҳида жасорат кўрсатган баҳодирларнинг мислсиз қаҳрамонликлари аниқ фактлар ва ҳаётий лавҳалар билан тасвирлаган. Тўмарис ва Широқ ҳақидаги тарихий ривоятларнинг юзага келиши ва халқ орасида кенг ёйилишининг сабаби ҳам ана шунда.

7. Тўмариснинг жасорати ҳақидаги ҳикоя қилувчи сак-массагет эпоси сюжетининг изчил ривожидан давомидан дастлабки эпик ячейканинг асосий моҳияти, мотивлар таркиби ва образлар силсиласи (гарчи персонажлар исми ўзгартирилган ва мотивлар янгича эпик талқин қилина бошлаган бўлса-да) асосан сақланиб қолган. Жангнома дostonлар ва романик эпоснинг интенсив яратилиши ҳамда такомиллашиши жараёнида ўз юртини душманлардан мардларча ҳимоя қилган алп аёл тўғрисидаги қадимий сюжет асосида “Ойсулув” сингари тарихий-қаҳрамонлик дostonи юзага келган.

8. XX аср ўзбек адабиёти ҳамда истиқлол даври адабий жараёнида

қадимги ёзма манбалар орқали сақланиб қолган эпик сюжетларнинг асосан иккитаси: массагетлар маликаси Тўмарис ҳамда сак чўпони Широқнинг фидойилиги тасвирланган қадимий сюжет асосида асар яратиш анъанаси мавжудлиги кузатилади. Шоир ва адибларнинг бу ривоятлар сюжетиға мурожаат қилишларининг боиси: халқимизда миллий ўзликни англаш ҳиссининг авж олиши ҳамда ушбу жараёнда аجدодларимизнинг миллий истиқлол йўлида олиб борган курашини акс эттирувчи қаҳрамонона ўтмишни билишға бўлган қизиқишнинг кучайиши билан белгиланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017. Fil.02.03 ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

КУЧКАРОВ ТУХТАМУРОД ОЛИМОВИЧ

**ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ЭВОЛЮЦИЯ ЭПИЧЕСКИХ СЮЖЕТОВ В
ПИСЬМЕННЫХ ИСТОЧНИКАХ**

10.00. 02 – Узбекская литература

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № В2 017.2.PhD/Fil130.

Диссертация выполнена в Джизакском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех (узбекский, русский, английский (резюме) языках размещен на веб-странице Научного совета и Информационно-образовательном портале “Ziyonet” по адресу www/ziyonet.uz.

Научный руководитель:

Жураев Маматкул

доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Йулдошев Бойназар

доктор филологических наук

Ураева Дармон Саидахмедовна

доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:

Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится ____ _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Fil.02.03 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский парк, дом 15. Тел: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс; (8366) 239-11-40; e-mail; rektor@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (Зарегистрирован за номером ____). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский парк, дом 15. Тел: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс; (8366) 239-11-40; e-mail; rektor@samdu.uz).

Автореферат диссертации разослан “ ____ ” _____ 2018 года.
(Протокол рассылки от _____ 2018 года за номером ____).

Мухиддинов М.К.

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук., профессор

Пардаев А.Б.

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук

Салохий Д.И.

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом литературоведении особое внимание уделяется сравнительно-типологическому анализу художественной интерпретации в фольклоре и письменной литературе эпических сюжетов, дошедших до нас с помощью древних рукописных источников, определению роли архаического эпоса в поэтической трансформации и развитии художественного мышления. Благодаря исследованию генезиса эпической традиции и художественной эволюции доказано, что древние сюжеты, отражающие в себе своеобразный национальный дух народов мира и художественно-эстетические традиции, оказали существенное влияние на развитие литературного процесса. Научные исследования, касающиеся толкования древних сюжетов, сохранившихся с помощью письменных источников, стали основой формирования палеонтологического направления в литературоведении.

В мировом литературоведении созданы крупные исследования, направленные на обоснование того, что непрерывное развитие традиционных эпических сюжетов является единым историко-литературным процессом. А это способствует выявлению роли античного литературного наследия в развитии художественного мышления народов мира на основе сравнительного анализа древней мифологии и сюжетов архаического эпоса, сохранившихся в письменных источниках и образцов фольклора и письменной литературы.

Процесс духовного возрождения, начавшийся после обретения республикой независимости обусловил потребность в выявлении древних источников узбекской литературы, в частности, источников, касающихся художественного мира саков и массагетов и их глубоком исследовании в сравнительно-историческом плане. Идеи таких древних героических эпосов имеют важное практическое значение в воспитании молодого поколения в духе благих традиций великих предков. Ибо, в нашей стране «осуществлены и последовательно продолжаются масштабные работы по восстановлению древней истории и богатой культуры нашего народа, всестороннему углубленному изучению и пропаганде научного, религиозного и духовного наследия великих ученых и святых, благоустройству священных мест поклонения, воспитанию молодого поколения в духе их добрых традиций». Поэтому изучение образцов узбекской литературы, в частности, своеобразных особенностей сако-массагетского эпоса и поэтической эволюции являются основой изучения истории формирования художественного мышления нашего народа.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, обозначенных в указе Президента Республики Узбекистан №4794-УП «Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» от 13 мая 2016 года, постановлений №1292-ПП «Об организации фонда «Ижод» при Союзе писателей Узбекистана» от 26 февраля 2010 года, №2789-ПП «О

реализации мер по совершенствованию организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, №28-29-ПП «О создании аллеи литераторов в Национальном парке имени Алишера Навои» от 18 апреля 2017 года, №2995-ПП «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 года и других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан ГНТП-1 «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, развитие инновационной экономики».

